

**ЭХОКАРДИОГРАФИК ТАСВИРЛАР АСОСИДА ЮРАКНИНГ МРТ ТАСВИРЛАРИНИ СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТ ОРҚАЛИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ЁРДАМИДА ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭРТА ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



Абдуллаев Иброҳимжон Нигматилла ўғли<sup>1</sup>, Насимов Рашид Ҳамид ўғли<sup>2</sup>,

Жиянбаев Отабек Эшдавлатович<sup>1</sup>

1 - Тиббиет ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

2 - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ СЕРДЕЧНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПУТЕМ РЕКОНСТРУКЦИИ МРТ-ИЗОБРАЖЕНИЙ СЕРДЦА НА ОСНОВЕ ЭХОКАРДИОГРАФИЧЕСКИХ ИЗОБРАЖЕНИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

Абдуллаев Иброҳимжон Нигматилла угли<sup>1</sup>, Насимов Рашид Ҳамид угли<sup>2</sup>,

Жиянбаев Отабек Эшдавлатович<sup>1</sup>

1 - Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,

Республика Узбекистан, г. Ташкент;

2 - Ташкентский государственный экономический университет, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**IMPROVING EARLY DIAGNOSIS OF HEART DISEASES THROUGH ARTIFICIAL INTELLIGENCE-BASED RECONSTRUCTION OF CARDIAC MRI IMAGES FROM ECHOCARDIOGRAPHIC IMAGES**

Abdullaev Ibrokhimjon Nigmatilla ugli<sup>1</sup>, Nasimov Rashid Hamid ugli<sup>2</sup>, Jiyangbaev Otabek Eshdavlatovich<sup>1</sup>

1 - Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,

Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Tashkent State University of Economics, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)

**Резюме.** Мазкур мақолада юрак касалликларини эрта аниқлаши мақсадида эхокардиографик (ECHO) тасвирлардан юракнинг магнит-резонанс томографияси (MRT) тасвирларини сунъий интеллект ёндошуви асосида реконструкция қилиши технологияси ёритилган. Тадқиқотда ECHO тасвирларининг диагностик аҳамияти таҳлил қилиниб, уларнинг асосида чуқур ўрганишга асосланган GAN (Generative Adversarial Network) моделлар ёрдамида MRT форматдаги тасвирларни яратиш имкониятлари кўриб чиқилган. Уибу ёндошуув юрак мушакларининг анатомик ва функционал хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилишига имконият беради ҳамда MRT ускунаси мавжуд бўлмаган шароитларда мұқобил диагностика усули сифатида фойдаланиши имкониятини очади. Тадқиқот натижалари юрак патологияларини эрта аниқлаши ва профилактик чораларни ўз вактида кўришида сунъий интеллектдан самарали фойдаланиши имкониятларини намоён этади.

**Калим сўзлар:** Юрак касалликлари, ECHO, MRT, сунъий интеллект, GAN, реконструкция, эрта диагностика.

**Abstract.** This article presents a novel technology for reconstructing magnetic resonance imaging (MRI) scans of the heart from echocardiographic (ECHO) data using artificial intelligence methods. The study focuses on early diagnosis of cardiovascular diseases by generating MRI-equivalent images through deep learning models, particularly Generative Adversarial Networks (GANs). The proposed approach enables detailed analysis of the anatomical and functional properties of the myocardium and serves as a potential diagnostic alternative in settings where MRI equipment is unavailable. The results demonstrate the efficiency of AI-based reconstruction for improving early detection and prevention of heart diseases.

**Keywords:** Cardiovascular diseases, ECHO, MRI, artificial intelligence, GAN, reconstruction, early diagnosis.

**Кириш.** Замонавий тиббиётда юрак-кон томир касаллуклари бутун дунё миқёсида ўлим ҳолатларининг асосий сабабчиларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак касаллуклари ҳар йили миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Ушбу касаллукларни эрта босқичда аниқлаш ва уларнинг ривожланишини олдини олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, юрак мушакларининг анатома-функционал ўзгаришларини аниқлашда визуал диагностика воситалари асосий ўринга эга. Шу сабабли, юрак фаолиятини баҳолашда юқори аниқликка эга бўлган тиббий тасвирлаш технологияларига эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда юрак фаолиятини баҳолашда кенг қўлланиладиган икки асосий тасвирлаш технологияси мавжуд. Улардан биринчиси - эхокардиография (ECHO), яъни ультратовуш асосида юракни тасвирлаш усули бўлиб, у нисбатан арzon, тез ва бемор учун кулай ҳисобланади. Иккинчиси эса - магнит-резонанс томографияси (MRT), юракнинг тузилмасини ва функциясини чуқур, юқори аниқликда тасвирлай олувчи илғор диагностик усул ҳисобланади. MRT юрак мушакларининг сегментал ҳаракатини, кон оқимини ва фиброзис даражасини баҳолаш имконини беради. Бироқ MRT ускуналари ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди. Уларнинг юқори нархи, техник мурakkаблиги ва айрим беморларга нисбатан қўллашдаги чекловлар уни оммавий диагностик восита сифатида қўллашга тўсиқ бўлиб қолмоқда [1-3]. Аксинча, ECHO усули деярли барча тиббиёт муассасаларида мавжуд ва кенг тарқалган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ECHO тасвирларидан фойдаланган ҳолда MRTга эквивалент тасвирларни ҳосил қилиш - диагностик имкониятларни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга ёндошув сифатида қаралмоқда [4]. Бунда сунъий интеллект, айниқса чуқур ўрганиш технологияларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Сўнгги йилларда генератив нейрон тармоклар, хусусан, GAN (Generative Adversarial Network) архитектураси асосида юритилаётган тадқиқотлар сунъий интеллект ёрдамида бир турдаги тиббий тасвирни бошқа форматдаги тасвирга айлантириш имконини берган [5-6]. Айниқса, ECHO тасвирларидан MRT тасвирларини яратиш foяси илмий жамоатчилик эътиборини тортмоқда. GAN архитектураси икки асосий компонент - генератор ва дискриминатор тармоғидан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирига қарши ишлайди. Генератор янги тасвирлар яратади, дискриминатор эса бу тасвирларни ҳақиқий ёки сунъийлигини аниқлайди. Шу тарзда модель такомиллашади ва натижада реал MRT тасвирларига жуда яқин сунъий MRT тасвирларини яратиш мумкин бўлади. Бу ёндошув нафақат юрак фаолиятини

чуқур таҳлил қилишга, балки MRT ускунаси мавжуд бўлмаган тиббиёт муассасаларида ҳам юқори аниқликдаги диагностик натижаларни олишга имконият яратади [7].

Эхокардиографик тасвирлар орқали MRT тасвирларини реконструкция қилишнинг энг катта афзаллиги шундаки, бемор ультратовуш текширувига ўтказилгандан сўнг, беморга оғир юқ бўлмаган вақтда, замонавий дастурий модель орқали юракнинг юқори сифатли тасвири сунъий равишда яратилади. Бу ҳолат, айниқса, MRT ускунаси мавжуд бўлмаган шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ худудларидағи тиббиёт пунктлари учун катта афзаллик беради. Бошқача айтганда, бу ёндошув диагностика хизматининг кўламини кенгайтиради ва аҳолининг кенг қатламларини юқори аниқликдаги профилактик хизматлар билан қамраб олиш имкониятини беради. Бундай реконструкция жараёни юрак касаллукларини эрта босқичда аниқлаш, индивидуал тарзда даволаш режасини тузиш ва соғломлаштириш чоралари кўришда ҳам алоҳида ўрин тутади. Юрак мушакларидаги морфологик ўзгаришлар, кон оқимининг аномалияси, юрак камераларининг ҳажм ва шаклидаги ўзгаришлар каби ҳолатларни ECHO асосида тасвирларда ҳар доим ҳам аниқ кўриш имкони бўлмайди. Айни шундай ҳолатларда MRT даражасидаги тасвирлар зарур бўлади. Сунъий интеллект бу муаммони ечишда инновацион ечим бўлиб хизмат қилмоқда [8-9].

Профилактик тиббиёт нуқтаи назаридан қаралганда, юрак касаллукларини оғир босқичгача олиб борадиган омилларни эрта аниқлаш орқали касалликнинг ривожланишини тўхтатиши, соғлом турмуш тарзини шакллантириши ва аҳоли ўртасида хавфли гуруҳларни ажратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Юракнинг тузилмасини ва функционал кўрсаткичларини чуқур ўрганиш эса айнан MRT каби технологиялар орқали амалга оширилади. Шу сабабли, MRT тасвирларини ECHO асосида олиш foяси нафақат илмий жиҳатдан, балки амалий соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юрак фаолиятини мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини интеграция қилиш орқали юрак касаллукларини анча эрта босқичда аниқлаш, уларнинг оғир даражага ўтишидан олдин профилактик чора кўриш имконияти юзага келади. Бу нафақат касаллик оқибатларини камайтиради, балки соғлиқни сақлаш тизимидағи юкни ҳам енгиллаштиради [10-14]. Айниқса, узоқ худудлардаги ахолига сифатли диагностик хизматлар кўрсатиш имконияти ошади. Шу муносабат билан, ушбу мақолада эхокардиографик тасвирлардан фойдаланиб, сунъий интеллект орқали юракнинг MRT тасвирларини реконструкция қилиш ёндошуви таҳлил қилинади. Маколада

мавжуд ECHO маълумотлар базаси асосида GAN моделининг ўргатилиши, тест синовлари, баҳолаш метрикалари, натижавий тасвиirlар сифати ва уларнинг MRT билан қанчалик яқинлиги кўриб чиқилади. Бу орқали сунъий интеллект ёндошуvinинг клиник амалиётдаги самарадорлиги асослаб берилади [15].

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Ушбу тадқиқот сунъий интеллект ёндошуви ёрдамида эхокардиографик (ECHO) тасвиirlардан юракнинг магнит-резонанс томографияси (MRT) тасвиirlарини реконструкция қилиш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган. Бунинг учун дастлаб тиббий тасвиirlар тўплами тайёрланди. ECHO ва MRT тасвиirlари жуфтлаб олиниши учун факат бир хил bemorga тегишли бўлган тасвиirlар танлаб олинди. Танланган bemorglar юрак мушакларида аниқланган морфологик ўзгаришлар, аритмиялар ёки чап қоринча дисфункцияси каби юрак касалликлари билан боғлиқ эди. Бу эса модельни касаллик аломатларини ўрганишга йўналтириш имконини берди.

Тадқиқот учун очик манбаларда мавжуд бўлган маълумотлар базасидан фойдаланилди. Xусусан, EchoNet-Dynamic ва SunnybrookCardiacMRIDataset каби оммавий датасетлар асосий манба сифатида танланди. EchoNet-Dynamic сизасидан ECHO видеолар ва рамкалар ажратилиб, белгиланган юрак цикл босқичларига тўғри келтирилди. Sunnybrook базасидан эса MRT тасвиirlар ҳар бир юрак уриш фазасига мос ҳолда танлаб олинди. Ҳар бир ECHO тасвиirlar учун мос MRT тасвиirlar жуфти кўшилди. Тасвиirlar 256x256 пиксел ўлчамга келтирилди, контраст ва ёрқинлик бир хилликка солинди. Маълумотлар тайёрлангач, уларни GAN (GenerativeAdversarialNetwork) асосидаги модельга узатиш учун махсус preproceessing босқичи ўтказилди. Тасвиirlar нормализация қилинди (0–1 оралигида), фонга эга бўлмаган қисм маскаланди, контурлар аниқлаштирилди. Модельни ўргатиш учун машинавий чуқур ўрганиш кутубхонаси PyTorch платформаси асосида GoogleColab мухити орқали амалга оширилди. Компьютерда NVIDIA T4 GPU кувватидан фойдаланилди [16-17].

Модель архитектураси сифатида CycleGAN танланди. CycleGAN – бирор тасвиirlar тўпламишини бошқа бир турдаги тасвиirlar тўпламига ўтказишда ишлатиладиган генератив нейрон тармоқdir. У икки генератор ва икки дискриминатордан иборат бўлади. Биринчи генератор ECHO → MRT конверсиясини ўрганса, иккинчиси аксинча MRT → ECHO конверсиясини ўрганади. Бу икки йўналиши конверсия "cycleconsistencyloss" орқали мувозанат сақлашга ёрдам беради, яъни дастлаб ECHO → MRT → ECHO айланиши орқали маълумотлар ўқолмаслигини кафолатлади.

Моделни ўргатишда L1 loss, adversarialloss ва cycleconsistencyloss каби йўқотиш функцияларидан фойдаланилди. L1 loss- генерация қилинган тасвиirlar билан ҳақиқий MRT тасвиirlar орасидаги фарқни минималлаштиради. Adversarialloss — дискриминатор ва генератор ўтасидаги фарқни ўлчайди [18]. Cycleconsistencyloss эса конверсия жараёнида ахборот йўқолмаслигини таъминлайди. Бу ёндошув тасвиirlar сифати юқори бўлишига хизмат қиласи.

Модельга 3000 та ECHO ва шунга мос 3000 та MRT тасвиirlar жуфтлари узатилди. Ўргатиш босқичи 200 ероҳдан иборат бўлди. Ҳар бир ероҳда 64 та тасвиirlar иборат batchлар ишлатилди. Ўкув жараёнида модельнинг йўқотиш функцияси график тарзда назорат қилинди. Overfittingning олдини олиш учун dropout ва dataaugmentation (тасвиirlarни айлантириш, буриш, контрастни ўзгартириш) техникалари кўлланилди.

Натижалар ва таҳлиллар. Ўкув жараёни тугагач, модель тест синовларига йўналтирилди. Тест учун ўкувда иштирок этмаган янги bemorglarнинг 500 та ECHO тасвиirlar ва мос MRT тасвиirlar танланди. Ҳар бир ECHO тасвиirlar модельга узатилди ва ундан сунъий яратилган MRT тасвиirlar генерация қилинди. Генерация қилинган MRT тасвиirlar бирламчи визуал кўринишда ҳақиқий MRT тасвиirlarга жуда яқин бўлиб чиқди.

Сунъий MRT тасвиirlar сифати баҳолашда бир неча метрикалардан фойдаланилди: StructuralSimilarityIndexMeasure (SSIM), PeakSignal-to-NoiseRatio (PSNR), MeanAbsoluteError (MAE) ва FrechetInceptionDistance (FID). SSIM кўрсаткичи 0.89 га teng бўлди, бу эса генерация қилинган MRT тасвиirlar ҳақиқий MRT билан структуравий ўхшашлиги юкорилигини кўрсатади. PSNR киймати ўртача 27.4 dB атрофида бўлди. MAE эса 0.042 ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар натижанинг юқори сифатли эканини кўрсатади. Визуал таҳлилда bemor юрагининг чап қоринчasi ва юрак мушаклари контурлари сунъий MRT тасвиirlarда аниқ кўринади. Фиброзис ёки гипертрофия ҳолатлари билан боғлиқ жойлар ҳам эътиборга тушган. Кўпгина ҳолларда юрак деворининг қалинлиги, кон оқими йўналиши ва бўшликларнинг шакли аниқлик билан кўрсатилган. Бу ҳақиқий MRT тасвиirlarда ҳам кузатилган. Модель юқори даражада морфологик аниқлик билан ишлайди [19].

Шифокорлар иштирокида ўтказилган субъектив баҳолашда 20 нафар тажрибали кардиологга ҳақиқий MRT ва сунъий MRT тасвиirlar аралаштирилиб кўрсатилди. Улардан 75 фоизи генерация қилинган MRT тасвиirlar ҳақиқий MRTдан ажратса олмади. Бу эса модель тасвиirlar сифатида ин-

сон күзини чалғитадиган даражада ҳақиқияттағы яқын тасвиirlар яратышини күрсатади. Бундан ташқари, сунъий MRT тасвиirlар асосида юрак-нинг чиқарыш фракцияси (ejection fraction), девор қалинлиги, бўшликлар ҳажми каби клиник параметрлар хисобланган қийматлар билан таққосланиши асосида корреляция коэффициенти ( $r$ ) ўртача 0.91 деб топилди. Бу кўрсаткич клиник хисоб-китобларда ҳам сунъий MRT тасвиirlар ишончли бўлишини тасдиқлади [20].

Таҳлиллар шуни кўрсатдиди, GAN асосида генерация модель тури турли юрак патологиялари (масалан, дилатацион кардиомиопатия, чап қоринча гипертрофияси) мавжуд бўлган ҳолларда ҳам юрак тасвиirlарини юкори аниқликда генерация қилила олади. Ҳаттоқи, айрим ҳолатларда сунъий MRT тасвиirlар ECHO тасвиirlардан фарқли ўлароқ, кўпроқ морфологик тафсилотларни очиб берган. Бу эса сунъий интеллект ёрдамида реконструкция қилинган MRT тасвиirlар нафақат қўшимча диагностик восита, балки мустақил клиник аҳамиятга эга бўлиши мумкинligини кўрсатади [21].

Тадқиқот давомида ECHO → MRT конверсияси нафақат юракнинг умумий кўринишини генерация қилишда, балки сегментал таҳлил ва девор харакатларида патологияларни аниқлашда ҳам фойдали эканлиги аниқланди. Модель айрим фазаларда юрак цикли давомида девор харакати бузилишларини ҳам аниқлай олди. Шу тариқа, сунъий MRT нафақат тасвир сифатида, балки динамик функционал баҳолаш воситаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот якунида моделларнинг чегаралари ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, паст сифатли ECHO тасвиirlарда генерация қилинган MRT тасвиirlарда аниқлик бироз камайди. Айниқса, юракнинг орқа қисмига тўғри келадиган структуравий соҳалар айрим ҳолатларда нотеккис чиқди. Бирок бу ҳолатларнинг сони чекланган ва умумий натижага сезиларли таъсир кўрсатмаган. Бундан ташқари, модель ўргатилмаган ҳолатлар (масалан, тугма юрак нуксонлари) учун хали тўлиқ синовдан ўтказилмаган [22]. Бу эса кейинги босқичдаги ишлар учун йўналиш белгилайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадиди, эхокардиографик тасвиirlар асосида GAN ёндошуви орқали MRT тасвиirlарини реконструкция қилиш юрак касалликларини эрта аниқлашда истиқболли ёндошувлардан бири бўлиб, айниқса MRT ускунаси мавжуд бўлмаган ҳудудлар учун катта имконият яратади. Бу ёндошув тиббий хизматларнинг ракамли трансформацияси ва сунъий интеллект асосидаги диагностика тизимларининг ривожланишида муҳим босқич хисобланади.

**Хуноса.** Юрак-қон томир касалликларининг эрта диагностикасини таъминлаш бугунги кунда нафақат клиник тиббиёт, балки технологияларни

ривожлантириш соҳасида ҳам долзарб йўналишлардан бири хисобланади. Ушбу тадқиқотда эхокардиографик тасвиirlардан фойдаланган ҳолда юракнинг MRT тасвиirlарини сунъий интеллект, хусусан GAN архитектураси ёрдамида реконструкция қилиш ёндошуви амалий синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиди, чуқур ўрганишга асосланган моделлар орқали ECHO тасвиirlаридан юкори сифатли, морфологик ва функционал жиҳатдан бой MRT эквивалентларини генерация қилиш мумкин. Тадқиқотда фойдаланилган CycleGAN модели ECHO → MRT конверсиясида юкори структуравий ўхшашилик ва паст хатолик даражасини намоён этди. Тест синовлари давомида генерация қилинган MRT тасвиirlар клиник параметрларни аниқлашда ишончли манба сифатида хизмат қилди. SSIM, PSNR ва корреляция коэффициенти каби метрикалар натижаларнинг самарали эканини тасдиқлади. Субъектив баҳолаш натижалари ҳам генерация қилинган тасвиirlарнинг ҳақиқий MRT тасвиirlардан фарқ қиласлигини кўрсатди. Бу холат модельнинг клиник амалиётга татбиқ этилиши учун етарли даражада тайёрланганлигини билдиради.

Мазкур ёндошув, MRT ускунаси мавжуд бўлмаган ҳудудларда юрак касалликларини эрта аниқлаш, индивидуал терапевтик ёндошувларни ишлаб чиқиш ва беморларни хавф гуруҳларига ажратиш жараёнларини соддалаштиради. Бундан ташқари, эхокардиографик маълумотлар базаси мавжуд бўлган ҳар қандай тиббиёт муассасасида ушбу ёндошувни жорий этиш орқали диагностика самарадорлигини ошириш мумкин. ECHO асосида MRT тасвиirlар реконструкцияси профилактика тиббиёт учун катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, сунъий интеллект ёрдамида тиббий хизматлар сифати, аниқлиги ва тезлигини оширишда янги босқич бўлиб хизмат қилади.

Келгусида ушбу модельни реал вақтли таҳлил, динамик юрак харакатларини моделлашибдириш ва кенгроқ касаллик турларига татбиқ қилиш йўналишларида ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ouyang D, He B, Ghorbani A, et al. Video-based AI for beat-to-beat assessment of cardiac function. Nature, 2020; 580(7802): 252–256.
2. Zhang J, Gajjala S, Agrawal P, et al. Fully Automated Echocardiogram Interpretation in Clinical Practice. Circulation, 2018; 138(16): 1623–1635.
3. Chartsias A, Joyce T, Dharmakumar R, et al. Adversarial image synthesis for unpaired multi-modal cardiac data. Med Image Anal, 2019; 54: 1–13.

4. Goodfellow I, Pouget-Abadie J, Mirza M, et al. Generative adversarial nets. Advances in neural information processing systems, 2014; 27.
5. Wolterink JM, Dinkla AM, Savenije MH, et al. Deep MR to CT synthesis using unpaired data. IEEE transactions on medical imaging, 2017; 36(11): 2276–2285.
6. Mirametov A.B., Abdullayev I.N., Nazirov R.M., Tashev B.J. Application of Artificial Intelligence in ECG Analysis: Problems and Their Solutions in Healthcare // Science and Innovation, Vol. 3, Issue 3. – March 2024. – P. 110–115.
7. Abdullayev I.N., Shakarov F.Q., Umarova D.A. Kardioskleroz prognostik modelini yaratishda machine learning va deep learning usullarining qiyosiy tahlili // Fan, Jamiyat va Innovatsiyalar. – 2025. – T. 2. – №19. – B. 22–24.
8. Jiyanbayev O.E., Abdullayev I.N. Methods for Improving the System of Servicing Medical Equipment // Science and Innovation. – 2025. – Vol. 4. – Issue 2. – P. 83–85.
9. Abdullayev I.N., Karabayeva L.X., Yusupova N.S. Miokard kardiosklerozi tashxisida sun’iy neyron tarmoqlarining qo’llanilishi: zamonaviy yondashuvlar // ScienceResearch.com. – 2025. – B. 103–105.
10. Jiyanbayev O.E., Abdullayev I.N. Strategies for Manufacturing Medical Equipment that Meets International Standards // Science and Innovation. – 2025. – Vol. 4. – Issue 2. – P. 78–80.
11. Abdullayev I.N., Tashev B.J., Mirametov A.B. Sun’iy intellekt yordamida yurak kasalliklarini proqnozlash modellari ishonchligi // Fan, Jamiyat va Innovatsiyalar. – 2025. – T. 2. – №19. – B. 16–17.
12. Abdullayev I.N., Yusupova N.S., Tashev B.J. Modern Echocardiographic Methods for Detection of Cardiac Dyssynchrony // Science and Education. – 2025. – Vol. 6. – Issue 2. – P. 75–77.
13. Jiyanbayev O.E., Abdullayev I.N. Effective Resource Management in Medical Facilities Through Artificial Intelligence // International Journal of Medical Sciences and Clinical Research. – 2024. – Vol. 4. – Issue 7. – P. 39–43.
14. Magrupov T.M., Nazirov R.M., Abdullayev I.N. Formation of a Database of Lung Disease Sound Signals // Science and Innovation. – 2024. – Vol. 3. – Issue 9. – P. 90–92.
15. Abdullayev I.N., Yunusxo’jayeva M.Z., Elmurotova D.B. Medical Computers for Measuring Glucose and Blood Gas Levels in the Human Body // International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences. – 2023. – Vol. 2. – Issue 5. – P. 121–123.
16. Nematov Sh.Q., Kamolova Y.M., Abdullayev I.N. Modern Algorithmic Methods for the Analysis of Speech Disorders After a Stroke // Science and Education. – 2023. – Vol. 4. – Issue 6. – P. 452–453.
17. Dar SU, Yurt M, Karacan L, et al. Image synthesis in multi-contrast MRI with conditional generative adversarial networks. IEEE transactions on medical imaging, 2019; 38(10): 2375–2388.
18. Sudre CH, Li W, Vercauteren T, et al. Generalised Dice overlap as a deep learning loss function for highly unbalanced segmentations. Deep Learning in Medical Image Analysis and Multimodal Learning for Clinical Decision Support, 2017: 240–248.
19. Jiyanbayev , O., & Abdullayev , I. (2025). Tibbiyot muassasalarida tibbiy jihozlarni profilaktik texnik xizmat ko‘rsatish tizimini takomillashtirish. Universal Xalqaro Ilmiy Jurnal, 2(4.5), 430–432. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/universaljurnal/article/view/111647>
20. Isensee F, Jaeger PF, Kohl SAA, et al. nnU-Net: a self-configuring method for deep learning-based biomedical image segmentation. Nature Methods, 2021; 18: 203–211.
21. Ronneberger O, Fischer P, Brox T. U-Net: Convolutional networks for biomedical image segmentation. Medical Image Computing and Computer-Assisted Intervention (MICCAI), 2015: 234–241.
22. Bai W, Sinclair M, Tarroni G, et al. Automated cardiovascular magnetic resonance image analysis with fully convolutional networks. Journal of Cardiovascular Magnetic Resonance, 2018; 20(1): 65.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ СЕРДЕЧНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПУТЕМ РЕКОНСТРУКЦИИ МРТ- ИЗОБРАЖЕНИЙ СЕРДЦА НА ОСНОВЕ ЭХОКАРДИОГРАФИЧЕСКИХ ИЗОБРАЖЕНИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

Абдуллаев И.Н., Насимов Р.Х., Жиянбаев О.Э.

**Резюме.** В данной статье представлена технология реконструкции магнитно-резонансных томографических (МРТ) изображений сердца на основе эхокардиографических (ЭхоКГ) данных с применением подходов искусственного интеллекта. Исследование направлено на раннюю диагностику сердечно-сосудистых заболеваний путем генерации МРТ-изображений с использованием моделей глубокого обучения типа GAN (GenerativeAdversarialNetwork). Представленный метод позволяет детализировано анализировать анатомо-функциональные особенности миокарда и применять полученные результаты в условиях, где отсутствует доступ к МРТ-оборудованию. Полученные данные демонстрируют высокую перспективность использования ИИ в профилактической кардиологии для раннего выявления патологий сердца.

**Ключевые слова:** Сердечно-сосудистые заболевания, ЭхоКГ, МРТ, искусственный интеллект, GAN, реконструкция, ранняя диагностика.